

*Abdukakharova Oyjakhon Sultanboy's daughter*

*Preschool student of Namangan State University*

**EDUCATIONAL ENVIRONMENT - KEY CONDITIONS OF  
ORGANIZATION OF FULL EDUCATIONAL ACTIVITIES OF  
CHILDREN**

*Resume: The article is based on the fact that the learning environment is a prerequisite for organizing learning activities. The rapidly developing environment in MTT was analyzed in order to influence the emergence and development of knowledge and interests, voluntary qualities and emotions in the child.*

*Key words: educational environment, small groups, age characteristics of children, preschool educational institutions.*

*Абдукахарова Ойджохон Султанбой кизи*

*Студент дошкольного образования Наманганского*

*государственного университета*

**ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ СРЕДА - КЛЮЧЕВЫЕ УСЛОВИЯ  
ОРГАНИЗАЦИИ ПОЛНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ  
ДЕТЕЙ**

*Аннотация: Статья основана на том, что учебная среда является необходимым условием организации учебной деятельности. Быстро развивающаяся среда в МТТ была проанализирована, чтобы повлиять на возникновение и развитие у ребенка знаний и интересов, произвольных качеств и эмоций.*

*Ключевые слова: образовательная среда, малые группы, возрастные особенности детей, дошкольные образовательные учреждения.*

*Abduqaxharova Oyjahon Sul-tonboy qizi*

*Namangan davlat universiteti Maktabgacha ta'lim yo'nalishi talabasi*

## **ТАЪЛИМ МУҲИТИ – БОЛАЛАРНИНГ ТЎЛАҚОНЛИ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ**

Аннотация: Ушбу мақолада таълим муҳити таълим фаолиятини ташкил этишнинг зарурий шарти эканлиги асосланган. МТТдаги муҳит жадал ривожланиб боровчи, боланинг билим ва қизиқишлари, ихтиёрий фазилатлари, ҳиссиётлари пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки таъсир этиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: таълим муҳити, кичик гуруҳлар, болаларнинг ёш хусусиятлари, мактабгача таълим ташкилотлари

Мактабгача таълим ташкилотларида яхши жиҳозланган ривожлантирувчи муҳитсиз тўлақонли таълим фаолиятини ташкил этиш мумкин эмас. Ахир, унинг асосий пойдевори – болалар таълим оладиган “Ривожланиш марказлари”дир. Гуруҳда бирон-бир нарса шунчаки жойлаштирилган бўлиши керак эмас. Гуруҳдаги барча нарсалар болаларнинг билимини оширишга қаратилган, педагогик ёки тарбиявий (ахлоқий, эстетик) таъсирини бажариши керак. Яъни, одатдаги оилавий муҳит билан таққослаганда, МТТдаги муҳит жадал ривожланиб боровчи, боланинг билим ва қизиқишлари, ихтиёрий фазилатлари, ҳиссиётлари пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки бўлиши керак. Мактабгача ёшдаги гуруҳда субъектив ривожланиш муҳитини ташкил қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади: гуруҳдаги материаллар, жиҳозлар, инвентарлар хилма-хиллиги. Имконияти ҳар хил бўладиган жиҳозлар қисмларидан фойдаланиш (болалар мебеллари, матлар, юмшоқ модуллар, экран ва бошқалар); болаларнинг ёш хусусиятларига ва “Илк қадам” ДЎДа мувофиқлиги ; атроф-муҳитнинг ўзгарувчанлиги (таълим шароитига, болаларнинг ўзгарувчан қизиқишларига қараб) субъектив ривожланиш муҳитдаги ўзгаришларни таъминлайди; субъектив ривожлантирувчи муҳитнинг ўзгарувчанлиги (ўйин, қуришясаш, ёлғизлик учун муҳитлар мавжудлиги, ўйин материалининг даврий ўзгариши,

болаларнинг эркин танлашни таъминлаш учун турли материаллар ва ўйинчоқлар, болаларнинг ўйин, ҳаракатли, билим олиш ва тадқиқот фаолиятини рағбатлантирувчи янги нарсаларнинг пайдо бўлиши); фойдаланиш имконияти (таълим фаолияти олиб бориладиган барча хоналарнинг тарбияланувчилар учун очиклиги, болалар фаолиятининг барча турларини таъминлайдиган ўйинлар, ўйинчоқлар, қўлланмалардан бемалол фойдаланиш, материаллар ва жиҳозларнинг ишлаши ва хавфсизлиги); муҳитнинг хавфсизлиги (унинг барча элементларининг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаши). Болаларнинг эмоционал фаровонлигини таъминлаш учун МТТда ва гуруҳда муҳит қулай, деярли уйдайд бўлиши керак. Шундай бўлгач, болаларнинг ўзлаштириши тезлашади, улар ўз ҳис-туйғуларини эркин ифода этадилар. Қулай муҳит – бу болага қизиқарли ва севимли фаолияти билан шуғулланиши мумкин бўлган қулай ва ишончли муҳит. Таълим муҳитининг мавжудлигини кийиниш хонасига киришданок кўриш мумкин: “Гуруҳ бурчаги” ва “Ота-оналар бурчаги”, бу ерда ота-оналар учун жуда кўп фойдали, зарур маълумотлар мавжуд: таълимий фаолият жадвали, кун тартиби, ота-оналар учун фойдали маслаҳатлар ва бошқалар. Нега биз ота-онадан бошладик? Ҳар бир педагог ушбу жойдан болаларнинг таълим фаолиятида ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш учун тўлиқ фойдаланиши мумкин: ҳафтанинг мавзусини илиб қўйиш, бола билан суҳбатлашиш учун мавзуларни тавсия этиш ва уйда бола билан қандай таълим-тарбиявий иш олиб боришни таклиф қилиш. Шунингдек, гуруҳга кириш хонасида болаларнинг ижодий ишлари илинган стендлар мавжуд: расмлар ва қўл меҳнатлари кўргазмалари. Фарзандининг ишини кўриб, ота-она уни мақтайди ва шу билан ўзига бўлган ишончини оширади. Ҳар бир болалар шкафида алифбо ҳарфлари тасвирланган белги қўйилади – бола 3 ёшдан ҳарфларни бехосдан эслаб қолади. Гуруҳ хонасининг кириш қисмида “Хавфсизлик бурчаги” жойлашган. Унда ёнғин хавфсизлиги, кўчада ва уйда

болаларнинг хавфсизлиги, йўл ҳаракати қоидалари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган. Бола яна маълумотни визуал тарзда олади. Гуруҳ хонасидаги “Тил ва нутқ” марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг портрети, “Шарқнинг буюк сиймолари”, давлатимиз рамзлари акс этган альбом, “Ўзбекистон шаҳарлари”, “Она замин табиати” акс этган фотосурат ва расмлар, амалий санъат асарлари ва бошқалар мавжуд. Ушбу бурчак ҳар доим гуруҳда бор. Болалар альбомлар, расмларни кўрадилар ва ўзларига керакли маълумотларни оладилар ва эслаб қоладилар. Педагог фақат ҳафтанинг мавзуларига ва муҳим саналарга қараб материални вақти-вақти билан ўзгартириши мумкин. Спорт бурчаги тарбияланувчиларни ҳаракатдаги эҳтиёжларини қондириш ва уларни соғлом турмуш тарзи билан таништиришга хизмат қилади. Бунинг учун зарур барча жиҳозлар мавжуд: гимнастика ўриндиқлари, зинапоялар, катта ва кичик тўплар, сакраш арқонлари, ҳалқа, гимнастика таёқлари, кеглилар ва ностандарт жиҳозлар: тасмалар, рангли байроқлар, қум қопчалари. Бола спорт анжомларидан фойдаланади ва жисмонан ривожланади. “Мактабгача таълим ташкилотларида таълим фаолиятини мавзувий режалаштириш” ҳар бир ёш гуруҳлари учун ойнинг мавзуларини, ҳафтанинг мавзуларини акс эттиради ва бешта ривожлантириш марказларида таълимий фаолият ташкил этилади:

“Қуриш-ясаш, конструкциялаш ва математика” маркази;

“Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш” маркази;

“Тил ва нутқ” маркази;

“Илм фан ва табиат” маркази;

“Санъат” маркази.

Гап улар кўтара оладиган мавзунинг аҳамияти ҳақида кетяпти. Масалан, ҳафтанинг мавзуси – “Кўшни давлатлар”, болалар тўлиқ тушуниши қийин жуда кенг мавзу. Бир ҳафта давомида барча керакли атрибутлар билан “Қозоғистон”, “Тожикистон” каби кўшни давлатлар

ҳақида марказларда кўргазмалар ташкил қилинг. Бу болаларга бўш вақтларида қўшни давлатлар тўғрисида кўпроқ билиб олишга, маданиятлар ва урф одатларнинг фарқлари ва ўхшашликларини, халқ санъати гўзаллигини тушунишга ёрдам беради. Болаларни ривожлантириш бўйича доимий таълим марказлари қуйидагилар бўлиши керак:

1. “Қуриш-ясаш, конструкциялаш ва математика” маркази Бу марказда қуриш-ясашнинг ҳар хил турлари ва шакллари, кублар, плиталар, пол конструктори (ёғоч ва пластмасса, у билан ўйнаш учун катта транспорт ўйинчоқлари, стол усти қурилиш материали (ёғоч ва леғолар), кичик транспорт ўйинчоқлар ва расмлар) бўлиши керак ва болалар мустақил қуришни, моделлаштиришни, конструкциялашни ўрганадилар. Бу ерда математик ўйинларни ҳам жойлаштиришингиз мумкин. Чунки элементар математик кўникмаларни шакллантириш “қуриш-ясаш”га яқиндир. Булар турли жумбоқ, дидактик, таққослашнинг мантиқий ривожлантиришга қаратилган мантиқий ва математик ўйинлар. Бундан ташқари, санаш, ҳисоб-китоб кўникмаларини ривожлантирувчи ўйинлар берилиши мақсадга мувофиқдир.

2. “Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш” маркази Ушбу марказда сиз қуйидагиларни таъминлашингиз мумкин: турли мақсадлар учун мўлжалланган болалар мебеллари, болаларнинг турли қизиқишларига мувофиқ ўйинлар, ўйинчоқлар: турли ўлчамдаги кўғирчоқлар, кўғирчоқлар учун кийим-кечак, аравачалар, сартарошхона, тиббиёт тўпламлари, тикув машинаси, ўйинчоқ мебеллари, идишлар, ўғил болалар ўйинчоқ машиналари, тракторлар, темир йўл ва бошқа транспорт турлари, ўйинчоқ асбоблари: болға, болта, арра ва бошқалар. Сюжетли-ролли ўйинда муайян вазиятларда яшайдиган болалар гуруҳда ижобий шахслараро муносабатларни шакллантиришга хизмат қилади, болаларни жамиятда ўзини тутиш маданияти, дўстона жамоавий муносабатлар нормалари ва қоидаларини бажаришга ундайди. Сахналаштириш – (театр фаолияти)

ривожланаётган муҳитнинг муҳим объекти ҳисобланади. Чунки театр фаолияти жамоани бирлаштиришга ёрдам берадиган ижтимоий хаёлий ўйин. Ушбу марказда эртаклар асосидаги стол театри, (конусли, ёғочли, ясси), қўғирчоқ театри, бармоқ театри, спектаклларни намойиш қилиш учун ширмалар, эртакларни саҳналаштириш учун болалар томонидан тайёрланган оддий безаклар, костюмлар, ниқоблар, париклар жойлаштириш мумкин.

3. “Тил ва нутқ” маркази Бу марказда болаларнинг нутқини ривожланиши, мактабда саводхонликни ўқитишга тайёргарлик, атроф-муҳит билан таништириш учун йўналтирилган материаллар бўлиши керак: расмлар, карточкалар, альбомлар, нутқ, ўқиш-ёзиш кўникмаларини ривожлантирувчи ўйинлар. Маълумки, турли қоидали ўйинларни ўйнашни билувчи мактабгача ёшдаги болалар мактабда ўқув фаолиятини муваффақиятли ўзлаштиради. Қоидали ўйинларнинг хили жуда кўп. Булар – домино, йўналишли ўйинлар ва бошқалар. Танловнинг асосий принципи – ўйинлар болалар учун қизиқ бўлиши, рақобатбардош ва таълимий характерга эга, катталарнинг иштирокисиз ўйнаш хоҳишини уйғотиши керак. “Тил ва нутқ” маркази ёнида кичик кутубхона “Китоб бурчаги” бўлиши лозим. Болалар ўзлари кутубхонадан мустақил фойдалана олишлари керак. Кутубхонадан ўзбек ва жаҳон халқ эртаклари ва болалар ёзувчиларининг асарлари ўрин олади. Яна бу ерда мавзуга оид табиат ҳақидаги асарлар, болалар энциклопедияси, расмли китоблар, болалар журналлари ва бошқа китоблар бўлиши лозим. Китоб жавонига болалар қизиқишини инобатга олган ҳолда байрам кунларига бағишланган, йил фасллари ва тарбиячининг топшириғига оид бўлган материаллар қўйилади. Материалларни алмаштириш вақти белгиланмайди, болаларнинг қизиқишларига қараб педагог томонидан ўзгартирилади. “Тил ва нутқ” марказида яна техник жиҳозлар, эртакларнинг фонотекалари ва тил ўрганиш учун зарур жиҳозлар қўйиш мумкин.

4. “Илм-фан ва табиат” маркази “Фан ва табиат” марказида болаларнинг табиат ва дунё хилма-хиллиги ҳақидаги билимларини бойитиш учун шароит яратилиши керак. Ушбу марказда болалар ўсимликларни парвариш қилишни ўрганадилар. Бунинг учун уларга суғориш идишлари, тупроқни юмшатиш учун таёқлар, сув пуркагич, барглари артиш учун латта, полизда ишлаш учун кичик воситалар керак бўлади. Об-ҳавонинг ўзгаришини кунлик кузатиб бориш учун “Табиат тақвими”, табиат ва экология ҳақидаги барча зарур тасвирий, плакат материаллари, болаларда ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсининг хилма-хиллиги, табиатдаги мавсумий ўзгаришлар, табиий меросни асраб-авайлаш кўникмаларини ривожлантириш учун ижобий ҳисса қўшадиган тўпламлар лозим. Шунингдек, ушбу марказда тадқиқот ўтказиш учун жой ажратиш мумкин – мини лаборатория (шунчаки жавон). Бу ерга тадқиқот ўтказиш учун материаллар жойлаштирилади: лупа, контейнерлар, ўлчаш стаканлари, паднисчалар, таёқлар, найчалар, суғориш идишлари, қум, лой, тошлар, ёғоч блоклар ва бошқалар. Бурчакда сув, қум, ҳаво, магнит ва бошқалар билан тажриба ўтказиш картотекаси бўлиши тавсия этилади.

5. “Санъат” маркази Энг сеvimли ва ҳар доим болалар билан гавжум ривожлантириш маркази: болалар чизишни, лой ишини, кесишни ва ясашни яхши кўрадилар. Шу сабабли, жавонларни керакли материаллар билан тўлдириш керак: бўёқлар, чўткалар, қаламлар, мум ва пастел бўр қаламлар, расм учун альбомлар, рангли қоғоз, фольга ва картон, қайчи, елим, пластилин. Санъат марказининг мақсади болаларнинг ижодий салоҳиятини шакллантириш, тасвирий фаолиятга қизиқишни ривожлантириш, эстетик кўникмани, тасаввурни, бадиий ва ижодий қобилиятларни, мустақилликни, фаолликни шакллантиришдир. Ёнида “Муסיқа бурчаги”ни жойлаштириш мумкин, ҳамда бу ерга ҳам муסיқий ўйинчоқлар ва болалар муסיқа асбобларининг турли хилларини жойлаштириш мумкин, масалан: доира, рубоб, най, сурнай, дутор, тугмали

аккордеонлар, металлофон, ноғора, барабанлар. Йил давомида ўйинчоқ ва қўлланмалар болаларнинг қизиқиш, улар билан ҳаракат қилиш истагини сақлаб қолиш учун ўзгартирилади, олиб ташланади ва қайтариб қўйилади. Шундай қилиб, мактабгача таълим ташкилотида ҳар қандай ёш гуруҳининг субъектив ривожлантирувчи муҳитини яратишда таълим-тарбия жараёнидаги иштирокчиларнинг конструктив ўзаро таъсирининг психологик хусусиятларини, мактабгача таълим ташкилотнинг замонавий муҳитини лойиҳалаш ва эргономикасини ҳисобга олиш керак. Ривожланиш муҳити аниқ қурилиши мумкин эмас. Мактабгача таълим ташкилоти да субъектив муҳитни ташкил этиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг мураккаб, кўпқиррали ва юқори ижодий фаолиятини талаб қилади. Ривожланиш муҳитини моделлаштириш МТТ муҳитини ташкил этишга инновацион ёндашувларни, изланишни, шунингдек, оналарнинг ушбу муаммога бўлган қизиқишини ва ўзаро таъсир қилиш истагини ривожлантиришни ўз ичига олади (Грошева И., 2020). Шундай қилиб, гуруҳда тўғри жиҳозланган ривожлантирувчи муҳитни ташкил этиш педагогга болаларни тўғри шаклланишига, таълим жараёнини тўғри ташкил этишга ёрдам беради:

- ҳар хил шаклларда боланинг ташаббуси ва мустақиллиги, тажриба ўтказиш имконияти;
- қизиқувчанлик;
- ривожлантирувчи марказлардаги ҳамкорликдаги фаолиятда иштирокчиларни, фаолиятни танлаш имконияти;
- ўзига ишонч, ташқи дунёга очиқлик, ўзига ва бошқаларга ижобий муносабат, ўзини ўзи қадрлаш;
- ривожланган тасаввур, ижодкорлик кўникмаси;
- турли қоидалар ва ижтимоий нормаларга бўйсунуш кўникмаси;
- ўзининг ҳаракатларини бошқариш кўникмаси (йирик ва майда моторикани ривожланиш даражаси);



- турли фаолиятларда ихтиёрий ҳаракатлар қилиш кўникмаси

Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий фаолият турлари бўйича ижодкорликлари асосан санъат марказларида амалга оширилади. Биз бўлажак тарбиячи педагоглар болаларнинг тўлақонли таълим фаолиятларини ташкил этиш учун ривожлантириш марказлари ҳақидаги тушунчаларимизни мустаҳкамлашимиз зарурий шартлардан ҳисобланади. Чунки, олдимизда турган педагогик амалиёт жараёнларини тўлақонли ва сифатли ўташимизда ривожланиш марказлари ва унда олиб бориладиган фаолиятлар мазмуни ҳақидаги тушунчаларни пухта билиш биз учун муҳимдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Муаллифлар: Шин А.В., Мирзиёева Ш.Ш., Грошева И.В., Микаилова У.Т., Сулейманова Ю.Т., Даукаева А.Г., Власова Е.Н., Галимова Э.Ф. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги. “Шахсга йўналтирилган ёндашув асосида таълим жараёнини режалаштириш” Методик кўлланма (биринчи нашр) Тошкент – 2020.
2. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида Тошкент ш., 2020-йил 22-декабр, 802-сон Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ”Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури Тошкент – 2018 йил
4. Расм, буюмлар яшаш ва тасвирий фаолият методикаси. М.Ш.Нурматова  
[хтп://кутубхона.аду.уз/кутубхона/53расмбуюмларяшашпдф.пдф](http://кутубхона.аду.уз/кутубхона/53расмбуюмларяшашпдф.пдф).
5. Ф.Қодирова, Ш.Тошпўлатова, М.Аъзамова. “Мактабгача педагогик”. -Т., “Маънавият”. 2013

6. Турсункулова Ш. Т. ЗДОРОВЬЕ МАТЕРИ И РЕБЁНКА КАК ОСНОВА СТАБИЛЬНОСТИ ОБЩЕСТВА //ФИЛОСОФИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ. – 2017. – С. 194-197.
7. Турсункулова, Ш. Т. (2021). THE DEVELOPMENT OF KNOWLEDGE ABOUT THE ART IN THE AESTHETIC PARADIGM // Actual Problems of modern Science, Education and Training. – 2021. – С. 69-74
8. Tursunkulova S. T. PHILOSOPHICAL PROBLEMS OF WOMEN'S SOCIAL ACTIVITY TODAY //Научно-методический и теоретический журнал. – 2014. – С. 35.
9. Karimova Vasila, V. (2021). The Analysis Of Lexical-Semantic Variants Of Kinship (Wife, Stepmother) Expression Means In Female Gender. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 24(1), 71-72.
10. Расулова, Ш. Х., & Каримова, В. В. (2020). ОБ ОНОМАСИОЛОГИЧЕСКОМ АСПЕКТЕ ИЗУЧЕНИЯ ТЕРМИНОВ РОДСТВА ЖЕНСКОГО ПОЛА В УЗБЕКСКОМ И ТАДЖИКСКОМ ЯЗЫКАХ. *Вестник Бохтарского государственного университета имени Носира Хусрава. Серия гуманитарных и экономических наук*, (1-1), 75-78.
11. Karimova, V. (2019). BRIEF HISTORY OF RESEARCHING TERMS OF KINSHIP IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(12), 156-162.
12. The Responsibility of a Teacher for Increasing the Probability of Advancing Student Achievement // Молодой ученый. – 2016. – No 3-1(107). – P. 41.
13. Karimova, V. A BRIEF OVERVIEW OF THE HISTORY OF THE STUDY OF THE TERMS OF KINSHIP IN UZBEK AND ENGLISH.
14. Vakhobovna, K. V. The Lexical Plan Suppletivism in Turkic Languages. *International Journal on Integrated Education*, 3(12), 184-185.